

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**60111500 – ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ҚОЗОҚ
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ)**

бакалаврият таълим йўналишининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Маддат Мадди тарбиятни житечанини дар бакалаврият таълими йўналишини оларни таъминлантиришган. Узбек таълимий тарбиятни житечанини таъминлантиришган. Узбек таълимий тарбиятни житечанини таъминлантиришган. Узбек таълимий тарбиятни житечанини таъминлантиришган.

Тошкент – 2022

ЎзР ОУМТВ

Еурук № 302
9 . 09 2022

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «23» 08 даги 5 -сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «9» 09 даги 302 -сонли буйруги билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофик ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИКА

1.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	5
1.2.1.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	5
1.2.2.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	9
2.1.	Умумий компетенциялар.....	9
2.2.	Касбий компетенциялар.....	10
2.3.	Фанга доир компетенциялар.....	11
	Библиографик маълумотлар.....	

1. 60111500 - *Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60111500 - *Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади.

Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

Бакалавриат ўкув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, кечки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 240 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўкув йили учун бакалавриат таълим дастурининг ҳажми 60 кредитни ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўкув дастурлари ўзаро якин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва кўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гурух танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Кўшимча мутахассислик (квалификация) учун ўкув режанинг танлов фанлари таркибидан 40-60 кредит микдорида ўкув ташкил килиниши назарда тутилади.

1.1. Кўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60111500 - *Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланишши.

Малака талаби 60111500 - *Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча педагогика соҳасида кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. *Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:*

– 60111500 - *Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти)* таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини хисобга олган холда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи талabalari;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошкарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битириувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- Олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- Олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

- умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси касб стандартига мувофиқ умумий ўрта таълимда она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) фани ўқитувчиси мақомида педагогик фаолият олиб бориш;
- ўрта маҳсус ва професионал таълимда она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) фани ўқитувчиси сифатида педагогик фаолият олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустакил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш; хорижий мамлакатларда ташкил қилинган қозоқ тилини ўргатувчи курсларда, қозоқ тили ва маданияти марказларида фаолият кўрсатиш, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқарув органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида вазирлик ва ташкилот раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида касбий фаолият юритиш;

- умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандартига мувофиқ таълим муассасасини бошкариш;

- Олий таълим муассасаларида услубчи, лаборант (кабинет мудири), тытор сифатида фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини камраб олади;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқкан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида кўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари куйидагилардан иборат:

- қозоқ тили; назарий ва амалий, синхрон, диахрон, ижтимоий-маданий ва диалектологик аспектларда;
- нутқ маданияти ва услубияти;
- ҳозирги қозоқ адабий тили ва ёзувлар;
- адабиёт: бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижоди тарихий ва назарий аспектларда жаҳон адабиёти;
- таълимни бошқариш ва педагогик жараёнлар;
- қозоқ тили ва адабиёти таълими жараёнлари;
- ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методлари, таълимнинг назарий масалалари;
- ўқитиш методикаси;
- лойихалаштириш асосида ўкув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойихалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- оммавий ахборот воситалари фаолияти жараёнлари;
- қозоқ тили ва адабиёти таълими ҳамда унинг самарадорлиги ошириш бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари;
- маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

1.2.3. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

1.2.4. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий вазифалари.

60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим.

Педагогик фаолиятида:

- ўкув жараёнини режалаштириши: ДТС ва ЎД ларининг максадларига мувофиқ ўкув режа ишлаб чиқиш, ўкувчиларнинг эҳтиёjlари ва кизикишларидан келиб чиқиб ўкув дастурларини мослаштириш, фанларни корреляция ва интеграция тамойилларига кўра режалаштириш, дарснинг аник максад ва натижаларига кўра дарс режасини ишлаб чиқиш,

дифференциал ёндашув асосида дарс шакллари ва усулларини режалаштириш, ўкув, намойиш ва тарқатма материаллардан фойдаланиши режалаштириш;

- **таълим самарадорлигини таъминлаш:** дарс максадларига кўра ўкувчилар имкониятидан келиб чишиб вазифаларни белгилаш, дарс мавзусига мос намойиш ва тарқатма материаллардан фойдаланиш, дарсда вакт таксимотини тўғри режалаштириш, таълим жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш, ўкувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига кўра дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, ўкувчиларнинг таълимий максадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиши усуллари ва ёндашувларни танлаш, ўқитишининг фаол усулларидан фойдаланиш, ўкувчиларнинг асосий компетенциялари ва хаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш, ўкувчиларнинг жамоавий ва лойихавий ишларини ташкил этиш ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларидан фойдаланиш, ўкувчиларга дифференциал ёрдам бериш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўкувчиларни мустакил фикрлаш имкониятини яратиш, дарсда мотивацияяга эришиш, синфда самарали мулокотга эришиш;

- **ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алокани тақдим этиш:** таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш, баҳолаш мезонларини билиши ва амалда кўллай олиши, мавжуд муаммоларни аниқлай олиши ва таҳлил қилиш

- **тарбиявий фаолиятни ташкил этиш:** тарбиявий ишларнинг замонавий, интерактив шакл ва усулларини машғулот ҳамда синфдан ташкари ишларда кўллаш, тарбиявий ишларда ўкувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, таълим муассасасининг устави ва ички тартиб қонадаларига мувофиқ ўкувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қонадаларини ўрнатиш, ижтимоий соглом мухитни ярата олиш, ўкувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик фукаролик позицияси, меҳнатта лаёқати, соглом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш

- **хавфсиз ривожлантирувчи таълим мухитини яратиш ва таъминлаш:** Ўкувчилар орасида ўзаро ҳурмат мухитини яратиш, ўкувчиларга синф ҳаётида тент имкониятлар яратса, низоли вазиятларда оптимал ечимли карор чикара олиши. ўкувчилар билан индивидуал ишлар олиб бориши, замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бера олиш;

- **ўз-ўзини ривожлантириш ва қасбий ўсиш:** мунтазам малака ошириш курсаридан ўтиш, фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда кўллаш, қасбий фаолият юзасидан семинар ва тренингларда иштирок этиш ҳамда ташкил этиш, ўзаро дарсларда катнашиш, дарсларни таҳлил қилиш, очик дарслар ўтказиш, қасбий фаолиятда керакли

ўзгаришларни амалга ошириш;

- ҳамкаслар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўринини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш; ўкувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўринини босувчи шахсларни) таълим жараённига мактаб ҳаётига жалб килиш, ўкувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўринини босувчи шахсларни) ўкувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул килишда иштирок этишга жалб этиш, тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўкувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошка педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоки) билан ҳамкорлик килиш;

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналиши соҳасида илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- қозоқ тили, қозоқ адабиёти, тилшунослик, адабиётшунослик, киёсий тилшунослик соҳасида олинган назарий ва амалий билимларни қўллаш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналиши фанларига доир интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳакидаги маълумотларни максадга мувоғиқ ҳолда қидириш ва топиш ҳамда амалиётта бевосита татбик этиш;

- ўз тадқиқоти мавзусига оид инглиз, рус, араб ва форс тилларидаги манбаларни ўкиш, таржима килиш ва амалда қўллаш;

- тил ва адабиёт ўқитишнинг самарали методларига оид, хорижий давлатлардаги илмий тўпламлар, илмий тадқиқотларни ўрганиш.

- қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналиши ўқитиш методикаси таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, кайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил килиш;

- қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналишига доир тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбик этиш кобилиятларига эга бўлиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўкувчилар онгига миллий истиклол гоясини сингдириш;

- ўкувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига карши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- глобаллашув шароитида кечеётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳакида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича малака ва тажрибага эга бўлиш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умумисоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилияtlарига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чикиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри карор қабул қилиш;
- бажараёттан фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилияtlарига эга бўлиш.

2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг қасбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

2.1.1. Шахсий ўсишга интилишни шакллантириш ва объектив баҳолаш, шунингдек, таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини ошириш қўникмаларига қобилияtlилик.

2.1.2. Ижтимоий ва қасбий вазифаларни ҳал этишда ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанларнинг асосий қондлари ва методларидан фойдаланишга қобилияtlилик.

2.1.3. Она тилида ўз фикрларини тизимли ва эркин баён этиш, илмий матнлар билан ишлаш, оммавий нутқ сўзлаш учун она тили ва чет тилларидан бирида ёзма ва оғзаки нутқ қўникмаларини эгаллаганлик.

2.1.4. Мулокотга киришиш ва маҳсус матнларни тушуниш учун чет тиллардаги билимлардан фойдаланиш.

2.1.5. Ахборотни олиш, саралаш, сақлаш ва кайта ишлаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш ва медиасаводхонлик; глобал компьютер тармоқлар билан ишлаш қўникмаларига эгалик.

2.1.6. Ижтимоий ўзаро ҳаракатга киришишда таълим иштирокчиларининг этномаданий ўзига хосликларини хисобга олиш.

2.1.7. Ахлоқий мөъёрлар ва маънавий маданиятни ўзлаштириш.

2.1.8. Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, илмий билиш ютукларига эришиш тамойилларини англаш;

2.1.9. Гигиена, меҳнат муҳофазаси ва ташки таъсирлардан ҳимоя килиш қоидалари талабларига мувоғик, соглом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қобилиятлилик.

2.2. Касбий компетенциялар:

2.2.1. Ўқув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбик этиш;

2.2.2. Турли ёш даврларида инсоннинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг маҳсус конунийлари хамда индивидуал ўзига хосликларини хисобга олиш воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эгалик; ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатга кириша олиш;

2.2.3. Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг микдор ва сифат методларини эгаллаганлик.

2.2.4. Турли ёш гурухидаги болаларнинг ривожланиши, мулокоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгалик;

2.2.5. Ўқитиш, тарбия, ривожланишнинг турли назарияларига доир билимлар, таълимнинг турли боскичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилияти;

2.2.6. Болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

2.2.7. Таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро харакатини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

2.2.8. Педагогик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя килиш;

2.2.9. Жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллий тарбиянинг конунийт ва тамойилларини хисобга олган ҳолда, кўпмаданиятлилик мухитида касбий фаолиятни ташкил этиш усулларини эгаллаш;

2.2.10. Касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятлилик;

2.2.11. Касбий фаолиятда бола ҳукуклари тўғрисидаги асосий ҳалқаро ва миллий меъёрий-ҳукуқий хужжатлардан фойдаланиш қобилияти;

2.2.12. Танқидий фикрлаш методикасини ўзлаштирганлик;

2.2.13. Инклузив таълимга кадриятли муносабатнинг таркиб топганлиги; узок вакт даволанишга муҳтоҷ ўқувчилар билан ишлаш (госпитал педагогика) технологиясига эга бўлиши;

2.2.14. Таълим олувчиларга ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанликка доир компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ва фаол фукаролик позициясини шакллантиришга имкон

берадиган натижавийлик ва мобилликка йўналтирилган ўқитишга кобилиятлилик.

2.3. Фанга доир компетенциялар.

2.3.1. Қозок тили ва адабиёти таълимининг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитишда узвийликни амалга ошириш воситаларини эгаллаганлик;

2.3.2. Қозок тили ва адабиётининг назарияси ва амалиёти доир замонавий билимларни эгаллаганлик;

2.3.3. Қозок тили ва адабиётига доир билим, кўникма ва малакаларни кўллай олиш хамда эгалланган таянч билимларни ўқувчиларга етказиш кобилияти;

2.3.4. Қозок тили ва адабиёти фани бўйича ўқувчиларга давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосланган назарий ва амалий ўқув машғулотларини олиб боришни таъминлаш;

2.3.5. Ўқувчиларни фанлар бўйича олимпиадаларга, турли мусобақаларга, илмий конференция ва фестивалларга тайёрлаш, очик дарслар ташкил қилиш, фан тўгараклари ишларига раҳбарлик килиш;

2.3.6. Қозок тили ва адабиёти фанини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни кўллаш;

2.3.7. Қозок тили ва адабиётига оид назарий билимларни мунтазам такомиллаштириб бориш, она тили ва адабиёт фанларининг долзарб масалаларини илғай олиш, ўқитувчилик фаолиятида кўллай билиш ва ўқувчиларга етказа олиш;

2.3.8. Қозок тили ва адабиёти тарихи, таълимоти ва назариялари, иирик намоёндалари, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндошувларини билиш;

2.3.9. Қозок тили ва адабиётини ўқитиш методикаси фанининг ривожланиши, тарихи, педагогик технологиялар, ўқитиш методлари, ўқитиш воситаларини амалиётга самарали кўллай олиши, таълимни ДТС меъёрлари, ўқув дастурларига кўра ташкил этиши, баҳолаш мезонларини тушуниши, халқаро баҳолаш тадқикотларини билиши ва ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини (PISA контекстлари) ривожлантириш фаолиятида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши;

Каебий квалификациялар:

- Умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослашган мактаблар, лицей ва профессионал таълим муассасаларида она тили ва адабиёти (қозок тили ва адабиёти) фанларидан дарс бериш; Олий таълим тизимида услубчи, тытор, кабинет мудири; ишлаб чиқариш объектлари ва ташкилотларда лаборант; фанлар академияларида лаборант-тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

Үкув даврининг умумий хажми куйидагида тақсимланиши мақсадга мувофик:

Үкув даврлари	Хафта тақсимоти
Назарий ва амалий таълим	40-65%
<i>Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>	<i>40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача</i>
Аттестация	6-15%
Таътил	8-15%
Малакавий амалиёт	6-25%
Битирув малакавий иши	2-7%

Библиографик маълумотлар

УДК 54: 371.3

Таяинч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўкув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт обьекти, кадрлар сифати, юклама, юклама хажми

Malaka talabini ishlab chiqishda foydalilanilgan kasb standarti:

Kasb standarti nomi	Kasbiy faoliyat turi	Kasb standartining qayd qilish raqami	Kasb standartini amaliyotga joriy etish sanasi
Umumiy o'rta ta'lim maktab o'qituvchisi	Umumiy o'rta ta'lim pedagogik faoliyat	R.003.1286/I-21	23.08.2021 №332 ICh

Manba: Kasb standartlari reestiri. Manba: Kasb standartlari reestri, <https://profstandart.uz/w/profStandart/1291>

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Ташкент давлат педагогика университети

Ректор

A. Kirgizbaev

2022 йил « ____ »

М.У.

КЕЛИШИЛГАН:

ОўМТВ хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор
технологияларни тадбик этиш маркази

Директор *Ш. У. Якубов*

202 ____ йил « ____ »
М.У.



Кадрлар буюртмачиси:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги хузуридаги Республика таълим
маркази

Директор *Ш. Ш. Саттаров*




202 ____ йил « ____ »
М.У.

Кўкон давлат педагогика институти
Ректор *_____*

2022 йил « ____ »



**60111500 - Она тили ва адабиёти (қозоқ тили ва адабиёти)
бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган
малака талаби мазмуни бўйича ишчи гурухи**

№	Ишчи гурух раиси ва аъзолари	аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	раис	Х.Ш.Кадиров	Низомий номидаги ТДПУ ўкув ишлари бўйича проректори	
2	раис ўринбосари	Ш.А.Абдуллаева	Низомий номидаги ТДПУ Тиллар факультети декани	
3	аъзо	Е.Б.Абдувалитов	Низомий номидаги ТДПУ “Қозоқ тили ва адабиёти” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, DSc. Тел.: (93) 5162886	
4	аъзо	Д.У.Дуйсабаева	Низомий номидаги ТДПУ “Қозоқ тили ва адабиёти” кафедраси доценти. Тел.: (90) 9063907	
5	аъзо	Н.Б.Абдувалитов	Низомий номидаги ТДПУ “Қозоқ тили ва адабиёти” кафедраси кафедраси доц.в.б., филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Тел.: (99)-8131014	

Ўкув ишлари бўйича проректор




Х.Ш.Кадиров

Ўкув-меъёрий ҳужжатларни
такомиллаштириш бўлими бошлиги



Б.Дж.Саттарова

Факультет декани



Ш.А.Абдуллаева